



ИНТЕРНЕТДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН БЕЗОРИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БОРАСИДА АЙРИМ ФИКР МУЛОҲАЗАЛАР

Нишонов Элдоржон Музафар ўғли

ИИВ Академияси Маъмурий-ташкилий фаолияти факультети

Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти

кафедраси катта ўқитувчиси,

й.ф.ф.д (PhD)

E-mail: eldorjon199209@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20426934>

Annotatsiya. Мазкур тезисда бугунги кунда кибер маконда содир этилаётган безорилик жиноятларининг ҳуқуқий табиати, ўзига хос белгилари ва ижтимоий хавфлилик даражаси илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан амалдаги миллий қонунчиликда мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликлар учун алоҳида жавобгарлик нормаси назарда тутилмаганлиги, шунингдек, уларни аниқлаш, ҳужжатлаштириш ва терговга доир ҳуқуқий механизмлар етарли даражада шаклланмаганлиги асосли равишда очиб берилган. Соҳадаги таниқли олимларнинг илмий қарашлари ҳамда хорижий давлатлар қонунчилиги ва тергов амалиётининг қиёсий таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, кибер безориликни мустақил жиноят сифатида қонунчиликка киритиш ва уни тергов қилишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этишга қаратилган аниқ таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Kalit soʻzlar: кибер макон, кибер безорилик, жиноий жавобгарлик, тергов, хорижий тажриба, қонунчиликни такомиллаштириш.

Contact: 99 826 99 56





НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ О ПРЕДУПРЕЖДЕНИИ ХУЛИГАНСТВА, СОВЕРШАЕМОГО В СЕТИ ИНТЕРНЕТ

Аннотация. В настоящих тезисах проведён научно-правовой анализ юридической природы, характерных признаков и степени общественной опасности преступлений, связанных с хулиганством, совершаемых в киберпространстве в современных условиях. Автором обоснованно раскрыто отсутствие в действующем национальном законодательстве отдельной нормы об ответственности за указанную категорию правонарушений, а также недостаточная сформированность правовых механизмов их выявления, документирования и расследования. На основе сравнительного анализа научных взглядов видных учёных в данной сфере, а также законодательства и следственной практики зарубежных государств разработаны конкретные предложения и рекомендации, направленные на введение кибер-хулиганства в законодательство в качестве самостоятельного состава преступления и внедрение эффективных правовых механизмов его расследования.

Ключевые слова: киберпространство, хулиганство в киберпространстве, уголовная ответственность, расследование преступлений, зарубежный опыт, совершенствование законодательства.

SOME REFLECTIONS ON THE PREVENTION OF HOOLIGANISM COMMITTED ON THE INTERNET

Abstract. This paper provides a scholarly legal analysis of the legal nature, distinctive features, and degree of social danger of hooliganism offences committed in cyberspace under present-day conditions. The author substantiates the absence of a separate liability norm for this category of offences in current national legislation, as well as the insufficient development of legal mechanisms for their detection, documentation, and investigation. Drawing on a comparative analysis of the scholarly views of prominent researchers in the field, together with the legislation





and investigative practice of foreign states, the study develops concrete proposals and recommendations aimed at introducing cyber-hooliganism into legislation as an independent criminal offence and establishing effective legal mechanisms for its investigation.

Keywords: cyberspace, cyber-hooliganism, criminal responsibility, criminal investigation, comparative legal analysis, legislative improvement.

Бугунги кунда фан ва технология, шу жумладан электрон почта, тезкор ва рақамли хабарлар, веб-сайт, телеграм, инстаграмм ва Фейсбук каби ижтимоий тармоқлар тобора ривожланиб бормоқда. Энг ачинарли ҳолат шундан иборатки, интернет ва ижтимоий тармоқлар кунига 24 соат, ҳафтада етти кун давом этадиган “дам олиш соатлари” йўқ, “Географик чегаралари” бўлмаган ва анонимлиги муаммони янада мураккаблаштирадиган янги рақамли ўйин майдончасига айланиб улгурди. Мазкур ижтимоий тармоқлар ҳам қайсидир маънода жамоат жойига айланиб унда ҳам инсонлараро муносабатлар ва интернет одоблари шаклланди. Ҳозир дунёда безорилик ҳолатлари интернетнинг ижтимоий тармоқлари орқали ҳам содир этилмоқда. Бу ҳолатлар ижтимоий тармоқларга шафқатсиз, қўпол ёки таҳдидли хабарлар, расмлар ва видеоларни жойлаштириш, бошқа шахслар ҳақидаги шахсий маълумотларни юбориш, мақсадли шахсни қадрсизлантириш учун ўзини бошқа биров қилиб кўрсатиш ёки қасддан кимnidир онлайн гуруҳда ҳақорат қилиш, тунда тахминий телефон рақамни териш орқали танимаган шахсларга қўнғироқлар қилиб безовта қилиш ёки уни ҳеч бир сабабсиз ҳақорат қилиш каби ҳолатларда содир этилмоқда.

Айни ушбу ҳолатлар реал ҳаётда содир бўлмасдан туриб интернет орқали содир этилганлиги учун омма орасида қўплаб норозиликларни





келтириб чиқариши, хаттоки оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этилишига сабаб бўлиши мумкин.

Гарчи интернет орқали содир этиладиган безорилик Ўзбекистон Республикасида кўплаб содир этилмаётган бўлса-да, жаҳоннинг бошқа давлатлари тажрибасида бу каби жиноятлар жиноятларнинг салмоқчи қисмини ташкил этади.

Бугунги кунда замонавий жамиятимизда “кибербуллинг” тушунчаси пайдо бўлган бўлди.

Кибербуллинг - бу телефон ёки компьютер каби рақамли қурилмалар орқали содир бўладиган безорилик. Бу кўпинча ижтимоий тармоқлар, матн, электрон почта, тезкор хабарлар ва ўйинлар орқали содир бўлади. Кибербуллинг кўпинча кимнидир шарманда қилиш учун у ҳақида зарарли ёки шафқатсиз контентни юбориш ёки улашиш шаклида бўлади. Баъзан бу контент аноним тарзда баҳам кўрилади, бу эса кибербуллингни янада хавфлироқ қилади.

Кибербуллингнинг кенг таърифини ҳисобга олсак, унинг атрофидаги рақамлар ва статистика баъзан ваҳшийлик билан фарқ қилиши мумкин. Бундан ташқари, бу аслида нима эканлигини турли хил талқинлар мавжуд ва аксарият тадқиқотлар қурбонларнинг ўзларига нисбатан кўрқитиш ҳолатлари ҳақида хабар беришларига таянади. Биз ҳаммамиз бир пайтлар бола эдик ва биламизки, кўп болалар кўрқувдан кўрқиб, зўравонларига айтишмайди.

Кибербуллинг глобал муаммо бўлиб, унинг таъсири Ўзбекистонда ҳам кенг кўламли касб этмоқда. Мамлакатимизда интернет фойдаланувчиларининг сони тезкор ўсиши билан бир қаторда ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали тарқатилаётган таҳдидлар ҳам кўпаяётгани кузатилмоқда. Telegram, Facebook, Instagram ва TikTok каби платформаларда ёлғон маълумотлар тарқатиш ёки таҳқирлаш ҳолатлари нафақат шахсий





ҳаётга, балки жамиятдаги маданият ва ахлоқий қоидаларга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу муаммонинг муҳим жихати шундаки, кибербуллинг нафақат жабрдийдага руҳий зарар етказди, балки шахсий маълумотларнинг махфийлиги ва инсон шаънининг ҳимоя қилинмаганлигини кўрсатади. Бундай шароитда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, шахсий хавфсизлигини таъминлаш бўйича билимларини ошириш долзарб вазифалардан биридир.

БМТнинг болалар ҳуқуқлари бўйича ташкилоти (*UNICEF*)нинг статистик маълумотларига кўра, (*For every child, every right, 2019*) дунёнинг 30 мамлакатадаги ҳар учинчи ёшлардан бири онлайн зўравонлик қурбони бўлади, ҳар бешинчи ёшдан бири кибербуллинг ва зўравонлик туфайли мактабни ташлаб кетмоқда.

Халқаро статистик маълумотларга кўра, (*Cyberbullying: Twenty Crucial Statistics for 2024*) барча ижтимоий тармоқлардан “YouTube” даги болалар кибербуллингга энг кўп учрайди - 79 фоиз, Snapchat – 69 фоиз, TikTok – 64 фоиз ва Facebook – 49 фоиз. Барча ёшдаги болалар кибербуллинг қурбони бўлишади, лекин улар улғайган сари хавф ортади. 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар кибербуллингга кўпроқ учрайди. Кибербуллинг нафақат болаларга таъсир қилади. 2020 йилда ўтказилган тадқиқотда, АҚШдаги барча интернет фойдаланувчиларининг 44 фоизи онлайн тазйиқларга дучор бўлганлиги аниқланди, бу кибербуллингнинг бир тури деб ҳисобланиши мумкин. Онлайн таъқибнинг энг кенг тарқалган тури исм-шарифлар бўлиб, барча таъқибларнинг 37 фоизини ташкил қилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (*World Health Organization, 2024*)нинг маълумотларига кўра, кибербуллинг ўсмирлар учун ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради ва мактаб дарвозаларидан ташқарида уларнинг уйлари ва шахсий ҳаётининг хавфсизлигини

Contact: 99 826 99 56



таъминлайди. 2018 йилдан 2022 йилгача бўлган сўнгги маълумотларга кўра, кибербуллинг ўғил болалар орасида бошқаларга нисбатан 11 фоиздан 14 фоизга, қизлар орасида эса 7 фоиздан 9 фоизга ошган. Худди шундай, киберзўравонлик ҳақидаги хабарлар ўғил болалар учун 12% дан 15% гача ва қизлар учун 13% дан 16% гача кўтарилди. Ўсмирлар интернетда кўпроқ вақт ўтказётган бир пайтда, бу рақамлар рақамли саводхонлик ва хавфсизликни ривожлантириш учун ўқитувчилар, ота-оналар, жамоат раҳбарлари ва сиёсатчиларни жалб қилиш учун шошилиш чоралар кўриш зарурлигини таъкидлайди.

Кибербуллинг қуйидаги кўринишларда содир этилади:

интернетда кимдир ҳақида ёмон, ҳафа қиливчи ёки уятли шарҳлар ҳамда миш-мишларни жойлаштириш;

бирор кишини ҳафа қилиш мақсадида учун таҳдид қилиш ёки ўзини ўлдиришни айтиш;

шахсни ранжитувчи расм ёки видеони жойлаштириш;

бошқа биров ҳақидаги шахсий ёки ёлғон маълумотларни жойлаштириш учун интернетда ўзини бошқа одамдек кўрсатиш;

ҳар қандай ирқ, дин, этник келиб чиқиш ёки бошқа шахсий хусусиятлар ҳақида ёмон ёки нафратли исмлар ҳамда шарҳларни интернетда жойлаштириш;

кимдир ҳақида ёмон веб-сайт яратиш;

бирор бир шахсдан қасос олиш мақсадида шахснинг шахсий маълумотларини, шу жумладан манзиллари, ижтимоий ҳимояси, кредит картаси ва телефон рақамлари, ҳаволаларини очиқ қилиш орқали шахсий ҳаётига таҳдид қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси кибербуллингга оид ҳуқуқбузарликлар учун бир қатор жавобгарлик чораларини назарда тутади.





139-модда тухмат учун жавобгарлик белгилайди. Бунда шахс ҳақида ёлгон маълумотлар тарқатиш, унинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказиш жиноят деб баҳоланади. Шунингдек, 140-модда таҳқирлашга қаратилган бўлиб, шахсни таҳқирлаш ёки унинг кадр-қимматини камситиш учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик белгиланган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам интернетнинг ижтимоий тармоқлари орқали шахсларни ҳақорат қилиш ва шарманда қилиш ҳолатлари кўплаб кузатилаётганлиги ижтимоий тармоқлар ва бошқа оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, 1987 йилда туғилган, Навоий вилоятида яшовчи фуқаро А.Ж. 2024 йил 30 июн куни “Instagram” орқали Н.С.ни ҳақоратлаган. Маълум бўлишича, Нилуфар Сотиболдиева 2024 йил март ойида Таиландга қилган саёҳати чоғида қизи билан биргаликда рақсга тушиб, уни ўзининг “Instagram”даги саҳифасига жойлаштирган. Сухандонга нотаниш бўлган “азимшержуреаев” номли аккаунт эгаси эса шу пост остига ҳақоратли изоҳлар ёзиб қолдирган.

Суд ҳукми билан А.Ж. Жиноят кодексининг 140-моддаси (ҳақорат қилиш) 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этишида айбли деб топилган. Унга иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Шунингдек, 2004 йилда туғилган, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида яшовчи С.Р. 2024 йилнинг 20 июл куни “Instagram”даги саҳифасида вилоятликларни ҳақорат қилган. У тўғридан тўғри вақтида ахлоқ қоидаларини менсимаган ҳолда беҳаё сўзлар билан вилоятларда яшовчи аҳолининг шаъни ва кадр-қимматини қасддан камситган. Қизнинг ушбу ҳаракатлари ижтимоий тармоқ кузатувчиларининг жиддий норозиликка сабаб бўлган.





Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг қарори билан С.Р. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасида (Майда безорилик) назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилган. Унга нисбатан 10 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланган.

Худди шунингдек, 21 ёшли қашқадарёлик йигит ва унинг 19 ёшли сaмaрқaндлик ўртоғи (тaлaбa) жoрий йилнинг 28 фeвpaль кyни вилoятликларни турли хил сўзлар билан ҳақoрат қилиб, уларни Тошкент шаҳрига кeлмaсликларини айтиб, видео олган. Эртаси кyни 1 мaртдa эсa улар ушбу видеони “Instagram” ижтимоий тaрмoғигa жoйлаган.

2025 йил 7 мaрт кyни жиноят ишлари бўйича Юнусoбoд тумaн судидa мaзкур иш кўриб чиқилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасида (мaйдa безoрилик) нaзaрдa тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилган ва шу мoддa билан 10 (ўн) суткa мaъмурий қamoқ жазоси тaйинлaнган.

Кибербуллингга қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

- ижтимоий тармоқлардан фойдаланишнинг ортиши;
- ахборот технологияларининг кунга-кунга ривожланиб бораётганлиги ва интернет фойдаланувчиларининг анонимлиги;
- шахсларнинг ахборот хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги ва хушёрликнинг етишмаслиги.

Кибербуллинг билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун қуйидагилар таклиф этилади:

1. Бугунги кунда Интернетнинг ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда кўплаб жиноятлар содир этилаётганлиги ва миллий хавфсизлигимизга таҳдидлар юзага келаётганлигини инобатга олиб, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва жиноят қонунчилигимизда алоҳида моддада жавобгарликларни белгилаш лозим;





2. Ўзбекистон Республикаси МЖтКга 183¹-модда киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда баён этиш:

183¹-м о д д а. Майда кибербезорилик

Майда кибербезорилик яъни мобил телефон, компьютер, планшет ҳамда бошқа рақамли қурилмалардан фойдаланган ҳолда SMS, матн ва иловалар орқали ёки одамлар хабарни кўриши, иштирок этиши ҳамда улашиши мумкин бўлган ижтимоий тармоқларда онлайн тарзда биров ҳақида салбий, зарарли, ёлғон, шафқатсиз ёки ахлоқсиз хабарлар юбориш ёки улашиш ҳамда шармандалик ёки камситишга олиб келадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

3. Ўзбекистон Республикаси ЖКга 277¹-модда киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда баён этиш:

277¹-м о д д а. Кибербезорилик

Кибербезорилик яъни мобил телефон, компьютер, планшет ҳамда бошқа рақамли қурилмалардан фойдаланган ҳолда SMS, матн ва иловалар орқали ёки одамлар хабарни кўриши, иштирок этиши ҳамда улашиши мумкин бўлган ижтимоий тармоқларда онлайн тарзда биров ҳақида салбий, зарарли, ёлғон, шафқатсиз ёки ахлоқсиз хабарлар юбориш ёки улашиш ҳамда шармандалик ёки камситишга олиб келадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш, оғир оқибатларга сабаб бўлса ёки шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч





йилгача озодликни чеклаш уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

4. Кибербезорилик жиноятини содир этган шахсларга тайинладиган ахлоқ тузатиш ишлари жазосига қўшимча равишда интернетнинг ижтимоий тармоқларидан фойдаланишни тақиқлаш амалиётини йўлга қўйиш лозим.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
3. UNICEF. (2019). *For every child, every right*. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси расмий ҳисоботи.
4. World Health Organization (WHO). (2024). Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ўсмирлар орасидаги кибербуллинг ва зўравонлик ҳолатлари бўйича статистик маълумотлари.
5. Cyberbullying: Twenty Crucial Statistics for 2024. Халқаро кибербуллинг статистик маълумотлари ва тадқиқотлар тўплами.

